



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021-yil 12 - May

4594 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Бектурдиев Рашидбой  
Курамбоевичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида яшовчи фуқаро Бектурдиев Рашидбой Курамбоевичнинг “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 14 январдаги ШЯ-Б-129-сонли аризасини, “Қалажикқалъа” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 14 январдаги 59-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 88,19 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 174,24 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 262,43 квадрат метр, қурилиш ости майдони 521,4 квадрат метр, умумий ер майдони 1265,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Бектурдиев Рашидбой Курамбоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Бектурдиев Рашидбой Курамбоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи  
тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Бектурдиев Рашидбой Қурамбоевичга ушбу қарор қабул  
қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан  
ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг  
ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**